

## **Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояларининг ўрни ва аҳамияти**

Барчамизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мурасасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатларни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар тегирмонига сув қўймоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>79</sup>, деб таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқида.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар, турли динга эътиқод қилувчи инсонлар яшаб келмоқда. Бу миллат ва дин вакилларининг бир мамлакатда бир халқ, бир тану бир жон бўлиб яшаши юртимиздаги ички тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг асосий омилдир. Чунки бир давлат ичида турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро низолари, айрим ҳолларда тўқнашувлари давлатни албатта таназулга олиб келишини бугунги кунда дунёда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, ҳарбий воқеалар яққол кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири - миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларини юртимизда яшаётган ҳар бир инсонни онгига сингдиришдир. «Миллатлараро тотувлик» ғояси - мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ифода этувчи мустаҳкам пойдевор. Бу ғоянинг мақсади Ўзбекистондаги ҳар бир миллат ва элат вакилларининг эркин яшашлари ва фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида

---

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи.

«Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»<sup>80</sup>, деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Қаердаки «миллатлараро тотувлик» ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади ва улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келадилар. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг бағрикенглигидан далолатдир.

Адолатли миллий сиёсат олиб борилгандагина кўп миллатлилик мақсадимиз ягоналигини, тақдиримиз бирлигини, ҳамжиҳатлик зарурлигини тушунишга ёрдам беради, умуминсоний ғояларнинг устувор бўлишини осонлаштиради. Аксинча, миллий муносабатларга зийраклик ва нозиклик билан ёндашмаслик ёки умуммиллий тамойилларга бироз эътиборсизлик ҳам тинчлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Динлараро бағрикенглик миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. «Диний бағрикенглик» (толерантлик) ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Бағрикенглик эса қадимий қадрият бўлиб, ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлишдир.

Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиб, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган турли миллатга мансуб юртдошларимиз буни дилдан ҳис қилмоқдалар, чунки мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларига тенг ҳуқуқли шароитлар яратилган.

Ҳозирда мамлакатимизда 16 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борада-

---

<sup>80</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., 2016.

ги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эзгулик ғояларига асосланади. Одамларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилona, оқилona муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини таъкидлайди. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида диний бағрикенглик ётади. Ҳозирги кунга келиб республикамизда барча дин вакиллари нинг ибодатхона ва диний уюшмалари қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, эркин фаолият кўрсатмоқда.

Тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида ҳам турли динга мансуб қавмлар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг «динлараро бағрикенглик» ғоясига амал қилиб яшаб келганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожига янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Югай, Людмила. "Технологии распознавания лиц в обеспечении общественной безопасности: зарубежный опыт и перспективы развития." Общество и инновации 3.1/S (2022): 278-287.
2. Людмила, Ю. Г. А. Й., and Хагани ГАДЖИЕВ. "Использование цифровой экспертизы при доказывании факта распространения ложной информации в интернете." Юрист Ахборотномаси 2.1 (2021): 208-218.